


АҲМАД ФАРҒОНИЙ НОМИДАГИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ

АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ

Ахборот-библиография бўлими



“Жаҳоний тариқат асосчиси”

Хожагон-нақшбандия тариқатининг асосчиси

Абдулхолик Ғиждувоний (1103-1179)

таваллудининг 915 йиллигига



Фарғона – 2018



Хожа Абдулхолик Ғиждувоний тасаввуфнинг йирик намоёндаси, машхур авлиё, Хожагон номи билан шуҳрат қозонган Ўрта Осиё тариқатининг асосчиси ва раҳнамоси, 1103 йилда Бухоро яқинидаги йирик савдо-сотик қарвон йўлларида бўлмиш Ғиждувон қишлоғида маърифатли оилада туғилган. Маълумки Ислом оламида Қодирия, Чиштия, Кубравия, Сухравардия, Яссавия каби ўнлаб тариқатлар мавжуд бўлган. Хожагон тариқатининг силсиласи Шайх Боязид Бистомийдан бошланган бўлиб, бу тариқатга мустаҳкам асос қўйган зот Хожа Юсуф Ҳамадоний эди. Унинг изидан борганлар эса Хожалар деб аталган. Хожа Абдулхоликнинг отаси Имом Молик авлодларидан бўлган. Онаси эса Рум подшоси (ҳозирги Туркия) подшоси авлодларидан бўлган. Ғиждувонийнинг отаси Абдулжамил замон ҳодисалари туфайли Ғиждувонга келади ва бу ерда Абдулхолик Ғиждувоний туғилади.

Абдулхолик Ғиждувоний мадраса таълимини Бухорода олади. Кейинчалик ўзи ёзган “Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний” рисоласида баён қилишича 22 ёшга тўлганида тасаввуфга бағишланган “Рутбат ул-ҳаёт”, “Манозил ус-сойирин”, “Манозил ус-соликин” ва бошқа асарлари билан машхур бўлганулуғ шайх, имом ва шоир Юсуф Ҳамадоний билан учрашади ва унга мурид бўлади.

Жомийнинг “Нафаҳот” ва Али Сафийнинг “Рашаҳот” китобларида ёзилишича, Юсуф Ҳамадоний Хуросонга кетгач, Ғиждувоний қаттиқ риёзат чекиб, ҳол (авлиёлик) илмида юқори поғонага эришади, ҳатто бир даврнинг ўзида Каъбага бориб, намоз ўқиш қувватига эга бўлади. Шом (Сурия)да

унинг хонақохи ва юзлаб муридлари пайдо бўлади. Манбаларда ёзилишича, Ғиждувоний дин поклиги учун қаттиқ курашган, натижада Мовароуннаҳрда бидъат бутунлай томиридан кесилган.

Ғиждувоний дунёқарашининг шаклланишида маломатия таълимоти ва қаландарлар ҳаракати анчагина таъсир кўрсатди. Ўзининг бир қанча ҳажм жиҳатдан катта бўлмаганрисолаларида тасаввуфий – зоҳидлик билан шуғулланган диндор, эътиқодли мусулмон нуқтаи назаридан келиб чиқиб, шариат аҳкомлари ва пайғамбар алайҳиссалом суннатларини ҳамда тасаввуфдаги янгиликларни илдиз олдириб мустаҳкамлашни тарғиб қилди. Ғиждувоний оҳиста (хуфийа) нафасни тўхтатиб-тўхтатиб, яъни (хабси дил) зикр қилишни жорий қилди, гўё бу ҳақда тушида унга Ҳизр алайҳиссалом кўрсатма берган экан. Ғиждувоний ихтиёрий камбағаллик, дунё айшу ишратидан тамоман воз кечиш ва зоҳидликка, таркидунёчиликка чақирди. Ҳоким табақаларга яқинлашиш, уларни мадҳ этиш, улар олдида тиз чўкиш ва улар даргоҳида хизмат қилишни сўфийлар учун ножўя иш деб қаттиқ қоралади. Халқ оммаси – оддий раият билан яқинлашиш ва уларнинг диний эътиқодига хизмат қилиш Ҳожагон тариқатининг асоси эди. Ғиждувоний ўз муридлари ҳаётида жуда қаттиқ қонун-қоидаларни жорий қилди, ҳатто уйланмаслик ҳақидаги ғояларни ҳам тарғиб этди. Тасаввуфнинг бошқа тариқатларидан фарқли ўлароқ Ғиждувоний сўфийлар учун махсус хонақоҳлар куриш ва уларда яшашни маъқулламас эди. Мусиқа билан зикр қилиб йиғлаш (самоъ)га умуман қарши чиқмаса ҳам бу маросим

сўфийлар ҳаётида бошқа зикр ибодатларга нисбатан камроқ аҳамият касб этиши керак деб уқтиради.

Ғиждувоний ўзининг “Мақомат”ида ёзишича, устози Юсуф Ҳамадоний Хожагонлар тариқатига оид тўрт қондани баён қилади.

1. Ҳуш дар дам (ҳар бир нафасда хушёрлик), яъни ҳар бир нафаснинг кириб чиқишида ғафлатга йўл қўймаслик, ҳар бир нафас огоҳлик ва хузур юзасидан бўлиши керак.

2. Назар дар қадам (оёққа назар солиш)нинг маноси шуки, назари доимо оёқ панжалари устида бўлсин, токи унинг назари сочилмасин ва кераксиз жойга тушмасин, демакдир. Демак, бу ерда ҳар бир одам ўз қадамини ўйлаб ва фикрлаб босиши лозимлиги ҳақидаги ғоя илгари сурилади.

3. Сафар дар ватан (ватанда сафар қилиш)нинг маъноси шуки, инсон ўз вужудига назар солиши, одамийлик сифатидан фаришта сифатига, ёмонлик сифатидан яхшилик сифатига ўтиши керак. Иккинчи маъноси эса, ўз юртида сафар қилиш мамлактадаги улуғ олимлар, шайхлар, сўфийлар билан мулоқотда бўлиши ва улардан тариқат сирларини ўрганиши зарур.

4. Хилват дар анжуман (одамлар ичида хилватда бўлиш). Бунинг маъноси Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қуйидагича таърифлайди: “Хилват дар анжуман, яъни зоҳиран халқ билан, ботинан Ҳақ билан бирга бўлиш”. Демак, тариқатдаги ҳар бир киши зоҳиран халқ билан турли муносабатда бўлсада, бироқ юрагида ҳамиша Аллоҳ ёди бўлиши керак.

Гиждувоний ҳам ўз устози Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг фикрларини ривожлантира бориб, ўзидан қуйидаги тўртта қоида ёки фақра (ибора)ни қўшади:

– ёдкард (дилда такрорлаш). Бунинг маъноси шуки, мурид Аллоҳ исмини тил билан овоз чиқариб такрорламай, балки дилида такрорлашдан иборат. Мавлоно Саъуддин Қошғарийнинг таъкидлашича, зикр айтувчи бунда зикрни тили билан эмас, балки дили билан айтади.

– бозгашт (қайтиш). Бунинг маъноси шуки, зикр айтувчиҳоқ тилида, хоқ дилида калимаи таййиба (Ла илаха иллаллоҳ)ни айтганда, унинг орқасидан: “Худовандо, менинг мақсудим сенсан” деган калимани такрорлайди. Бу бозгашт калимаси бўлиб, у одамдан чалғитувчи фикрларни ҳайдайди. Зикрни холис қилади ва уни ўзга нораво нарсалардан озод этади.

– нигоҳдошт (сақлаш). Бунинг маъноси шуки, калимаи таййибани бир нафасда қанча марта такрорласа ҳам, шу давр ичида ҳаёлни чалғитувчи нарсалардан сақлаш керак. Мавлоно Саъуддин Қошғарий бу ҳақда шундай дейди: “Бир саот, икки саот, ундан ҳам кўп вақт, имкон борича, ўзини ҳаёлу фикрлардан асрасин, шундан сўнггина бошқа нарса ҳақида фикрласин”. “Рашаҳот”да ёзилишича, Хожа Аҳрорнинг муридларидан Мавлоно Қосим нигоҳдоштда шундай малака ҳосил қилган эдики, кун чиқишдан аввал чошгоҳгача кўнглини Аллоҳдан ўзга нарсаларнинг ўйи ва фикридан сақлай олар экан.

– ёддошт (ёдда тутиш). Бунинг маъноси шуки, мурид Ҳақ субҳонаҳу ва таъолони доимо завқу шавқ билан ёдда

тутиши ва огоҳ бўлиши керак. “Рашаҳот”да ёзилишича, баъзилар бу калимани “ғойиб бўлмайдиган хузур” ҳам деб атайдилар. Баъзиларнинг фикрича, бу шундай мушоҳадаки, Аллоҳнинг муҳаббати кўнгилни бутунлай чулғаб олади ва дилдан ҳеч қачон кўтарилмайди, бу эса ёддоштнинг ҳосил бўлганидир.


Абдухолик Гиждувоний ўз ғояларини оғзаки тарғиб қилибгина қолмай, уларни асарлари ва шеърлари орқали ёйишга ҳаракат қилди. Ул ҳазратдан бизгача бир неча асарлар етиб келган. Шулардан бири “Одоби тариқат” (“Тариқат одоби”), ёки бошқача “Рисолаи васоё” (“Насихатлар рисоласи”) деб аталади. Маънавий фарзанди ёки бошқача айтганда ҳалифаларидан бири Хожа Авлиёи Кабирга бағишланган мазкур рисоласида Гиждувоний ўз таълимоти асосини баён қилади. Хожагонлар тариқатидаги муридларга асосий қўлланма бўлиб хизмат қилган бу рисола қўлёзма ҳолида кенг тарқалган бўлиб унга XVI асрда Фазлуллоҳ ибн Рўзбехон томонидан “Маноқиби Хожа Абдулхолик Гиждувоний” номи остида батафсил шарҳ ёзилган.

Гиждувонийдан бизгача етиб келган яна бир рисола “Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний” (“Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг тутган ўрни”) ёки бошқача “Рисолаи соҳибийа” (“Дўстлар ҳақида рисола”) деб аталади. Пири Юсуф Ҳамадоний ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ушбу асарида устозининг туғилганидан то вафотигача бўлган барча воқеаларни тасвирлаган. Қўлёзма ҳолида кенг тарқалган

мазкур рисола 1913 йилда Эрон олими Саъид Нафисийнинг сўзбошиси билан Техронда чоп қилинган.

Абдулхолик Ғиждувонийнинг туғилган йили аниқ эмас. Вафоти эса турли манбаларда турлича кўрсатилади.

Хулоса қилиб айтганда, ўз фаолияти билан Ўрта Осиё халқларининг маданияти тарихида ўчмас из қолдирган Хожа Абдулхолик Ғиждувоний илму маърифатни тарқатишда катта хизмат қилади.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Ислом : энциклопедия А-Х / З. Ҳусниддинов таҳрири остида. – Тошкент : Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – 2003. – 313 б.
2. Хожа Абдулхолик Ғиждувоний / муҳаррир Ш. Мансуров. – Тошкент : Ўзбекистон, 2003. – 128 б.
3. Қўшжонов, М. Муборак сарчашма / М. Қўшжонов // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2003. – 28 нояб. – Б. 2.
4. Ҳасанов, М. Хожа Абдулхолик Ғиждувоний / М. Ҳасанов, М. Раззоқова // Мозийдан садо. – 2002. – №1(13). – Б. 24–25.
5. Ҳожи Исматиллоҳ Абдуллоҳ. Абдухолик Ғиждувоний / Абдуллоҳ Ҳожи Исматиллоҳ // Халқ сўзи. – 1993. – 13 апр. – Б. 4.

Тузувчи:

Д. Мамадиева